

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИСМОИЛОВА ФАЗИЛАТ РУСТАМОВНА

**ОШҚОЗОН ЯЛЛИҒЛАНИШИ ВА ЯРАСИ ПАТОГЕНЕЗИДА
H.PYLORI ГЕНОТИПЛАРИ ВА ЦИТОКИНЛАР ГЕНЛАРИ
ПОЛИМОРФ ЛОКУСЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.16 – Нормал ва патологик физиология
14.00.05 – Ички касалликлар**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Исмоилова Фазилат Рустамовна

Ошқозон яллиғланиши ва яраси патогенезида

H.Pylori генотиплари ва цитокинлар

генлари полиморф локуслари ассоциациясининг

ўзига хос хусусиятлари..... 3

Исмоилова Фазилат Рустамовна

Особенности ассоциации генотипов *H. pylori*

и полиморфных локусов генов цитокинов в патогенезе

воспалительного и язвенного поражения желудка..... 27

Ismoilova Fazilat Rustamovna

Peculiarities of the association of *H. Pylori*

genotypes and polymorphic loci of cytokine genes

in the pathogenesis of inflammatory and ulcerative

lesions of the stomach..... 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 58

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИСМОИЛОВА ФАЗИЛАТ РУСТАМОВНА

**ОШҚОЗОН ЯЛЛИҒЛАНИШИ ВА ЯРАСИ ПАТОГЕНЕЗИДА
H.PYLORI ГЕНОТИПЛАРИ ВА ЦИТОКИНЛАР ГЕНЛАРИ
ПОЛИМОРФ ЛОКУСЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.16 – Нормал ва патологик физиология
14.00.05 – Ички касалликлар**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3. PhD /Тib2682 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Ҳамид Якубович

тиббиёт фанлари доктори, академик

Рустамова Мамлакат Тулябаевна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сайфуллаева Саида Акрамжоновна

тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Каримов Мирвосит Мирвасикович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib .30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда сурункали гастрит (сурункали ноатрофик гастрит - СНГ ва сурункали эрозив гастрит - СЭГ) ва ошқозон яраси касаллиги (ОЯК) даражасини кўпайиши, уларнинг кечиши тобора оғирлашиб бориши ва онкологик асоратларни ривожланиш хавфи, қайталанишлар сони кўпайиши, ногиронликка олиб келиши ва беморларнинг ҳаёт сифатига таъсири, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида сарфланаётган моддий харажатлар ушбу нозологияларнинг долзарблигини белгилайди. СНГ, СЭГ ва ОЯК патогенези, асорати, башоратлаш ва олдини олиш масалалари етарлича тўла ўрганилмаган.

Жаҳонда ошқозон яллиғланиши ва яраси патогенезида *Helicobacter pylori* генотиплари ва цитокин генлари полиморфик локуслари ассоциациясининг ўзига хос хусусиятларини баҳолашни оптимал вариантларини таъминлаш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ошқозон яллиғланиши ва яраси патогенезида *Helicobacter pylori* генотиплари ва цитокин генлари полиморфик локуслари ассоциациясининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабридаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида, сурункали гастрит ва ошқозон ярасини даволаш ва ташҳислашда олиб борилган кўплаб тадқиқотларга ва эришилган ютуқларга қарамай, СНГ, СЭГ ва ОЯК нинг ривожланиши ва асоратларини башорат қилиш тамойилларини излаш, салбий оқибатларнинг генетик белгиларини (маркерларини) аниқлаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда (Sharndama HS, Mba IE., 2022; Nguyen TMN, Tran VH, Ha TMT, 2024). Хулоса қилиб айтганда, *H. pylori* нинг «патогенлик ороли» геномикасини ва пациентлар (шу жумладан, беморлар гуруҳи ва соғлом назорат гуруҳи) интерлейкин генлари тузилишини ўрганиш орқали, СНГ, СЭГ ва ОЯК ларнинг клиник кечишини олдиндан прогнозлаш мумкинлиги кўрсатилган (Palau M, Piqué N, Comeau AM et al., 2020; Ji Y, Liang X, Lu H., 2020). Бироқ, СНГ, СЭГ ва ОЯКлар шаклланишининг генетик механизмларига бағишланган тадқиқотлар кам ва олинган маълумотлар бир-бирига зиддир, СНГ, СЭГ ва ОЯКлар ривожланишига мойилликнинг умумий детерминант-генлари тўлиқ ўрганилмаган.

Ўзбекистонда ошқозон ичак тизими касалликларнинг ривожланиши, ташҳислаш ва даволашдаги камчиликларнинг оқибатида юзага келадиган ўзгаришлар, касалликларнинг ривожланишига экологик ва гигиеник омиллар таъсири ҳамда уларнинг оқибатида юзага келадиган қайталанишларнинг патофизиологик ва молекуляр-генетик ташҳислаш борасида қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Х.Я.Каримов, 2023, Бобоев Қ.Т., 2024; Абдуллаева У.К., 2021; Каримова Д.К., Собирова Г.Н., Каримов М.М., 2020). Илмий адабиётлар ва тадқиқотлар таҳлили натижаларига кўра, республикаимизда: а) *H. pylori* нинг генотипик вариантлари ва цитокин (*IL6-C174G*, *IL10-1082G/A* ва *C634G-VEGFA*) генларининг ўзаро таъсирини молекуляр-генетик таҳлил қилиш; ошқозон яллиғланиши ва ярали жараёнлари ривожланишини генетик ўрганиш орқали касаллик олдини олдини олишни оптималлаштириш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03–4974 «Ички касалликларни ташҳислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги усулларини излаш. профилактиканинг оқилона усуллари» (2018–2022 йй.) ҳамда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг «СНГ, СЭГ ва ОЯКларга эрта ташҳис қўйиш, даволаш мониторинги ва уларнинг шаклланишини башорат қилишнинг янги молекуляр-биологик усулларни

ишлаб чиқиш» (2018-2022 йй) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали гастрит ва ОЯК касаллиги патогенезида *H. Pylori* генотипик вариантларининг ва яллиғланишга қарши *IL6-C174G* (rs1800795), *IL10-1082G/A* (rs1800896) *VEGFA- 634C* (rs2010963) цитокин генларининг синтропик ўзаро таъсирини баҳолаш ва профилактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали гастрит ва ошқозон яраси билан оғриган беморларни комплекс клиник ва инструментал текширувлардан ўтказиш ва ўрганилаётган гуруҳларда *H. pylori* нинг учраш даражасини баҳолаш;

H. pylori штамmlарини вирулентлик ген омиллари бўйича генотиплаш ва сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги билан хасталанган беморлар орасида уларнинг генотипик вариантларнинг тарқалишини таҳлил қилиш;

беморларда *IL6 C174G*, *IL10 1082A/G* ва *VEGFA G634C* цитокин генлари полиморфик аллеллари ва генотипларини учраш даражасини ва *H. pylori* билан ассоцирланган сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллигининг ривожланиши ва клиник кечишидаги аҳамиятини баҳолаш, шунингдек, назорат гуруҳида ва ўрганилаётган гуруҳларда уларнинг учраш даражасини тақсимланишини баҳолаш;

H. Pylori вирулентлик омили генларини ва цитокин генлари *IL6 C174G*, *IL10 1082A/G* ва *VEGFA G634C* салбий генотипик вариантларини таҳлил қилиш орқали, СНГ, СЭГ ва ОЯК касаллиги патогенезида синтропик аҳамиятини баҳолаш;

хасталикни ташхисотини такомиллаштириш ва асоратларини олдини олиш мақсадида *H. Pylori* ассоцирланган сурункали гастрит ва ошқозон яраси ривожланиши ва кечиш характерини башоратлашни янги алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2022 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида стационар даволаниш ва кузатувдан ўтаётган СНГ, СЭГ ва ОЯК ли 96 нафар беморлар ва II таққослаш (назорат) гуруҳига 88 нафар амалий соғлом донорлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қон, меъда шираси, ЭГФДС хулосалари, молекуляр генетик усуллар (ПЗР) ёрдамида аниқланган ва ажратилган *IL6- C174G* (rs1800795), *IL10-1082G/A* (rs1800896) ва *VEGFA G634C* (rs2010963) генлари бўйича беморларнинг ҳолати; аниқланган ва ажратилган *H. pylori* нинг *cagA*, *ice1*, *ice2*, *vacAm1*, *vacAs2* вирулентлик омилларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда биокимёвий, клиник-инструментал, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги ривожланишида маълум патогенетик аҳамиятли айрим соматик касалликларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиши учун характерли ёш градациясининг ўрни асосланган;

сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги қайд қилинган беморларда *H.Pylori* учраш даражаси мусбат натижасининг кузатилиши, *H.Pylori* штамmlарини вирулентлик ген (*cagA*, *iceA1*, *iceA2* ва *vacA* генининг *m1*, *s2* аллелли) омиллари бўйича генотипик вариантларининг тақсимланиши исботланган;

сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги қайд қилинган беморлар гуруҳида IL6 C174G, IL10 1082A/G ва VEGFA G634C цитокин генлари полиморфизми аллеллари ва генотипларини учраш даражасининг *H.Pylori* билан ассоцирланган сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллигининг ривожланиши, клиник кечишидаги аҳамияти исботланган;

сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллигида *H.Pylori* вирулентлик омили генларини ва цитокин генлари IL6 C174G, IL10 1082A/G ва VEGFA G634C салбий генотипик вариантларини таҳлилида сурункали гастрит ва ошқозон яра касаллиги патогенезидаги синтропик аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги билан хасталанган беморларни клиник ва инструментал текширув пайтида аниқланган кўрсаткичлар ва ўрганилаётган намуналарда аниқланган *H. pylori* даражалари амалиётчи гастроэнтерологларга ушбу патологияларнинг этиологияси, патогенези ва башоратлашни тартиби тавсия қилинган;

сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги ташхсиланган беморларда *H. pylori* штамmlарини вирулентлик омиллари генлари (*cagA*, *iceA1*, *iceA2* ва *vacA* генининг *m1*, *s2* аллеллари) бўйича генотиплаш натижасида ва текширилаётган беморлар намуналарида генотипик вариантларнинг тарқалишини таҳлил қилиш жараёнида аниқланган кўрсаткичлар молекуляр-генетик ташхислаш усулларини амалиётга кенг жорий этилган;

беморларда ва шунингдек назорат гуруҳида аниқланган, полиморфизмга эга, IL6- C174G, IL-10 1082G/A ва ангиогенез регулятори C634G-VEGFA цитокинларнинг генлари аллеллари ва генотипларининг даражалари ҳамда текширилаётган гуруҳларда ушбу частоталарнинг тақсимланиши ва уларнинг *H. pylori* билан боғлиқ, сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касалликларнинг шаклланиши ва клиник кечишидаги ўрни баҳоланган;

H. pylori билан боғлиқ сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги ривожланиши, кечиши ва асоратланишини башоратлаш учун ишлаб чиқилган янги алгоритм беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни тўғри ташкил этиш ва

касалликларнинг ривожланиши, асоратланишини олдини олишда ўрни юқорили кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган материаллар ва беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи биокимёвий, клиник-инструментал, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ошқозон яллиғланиши ва яраси патогенезида *Helicobacter pylori* генотиплари ва цитокин генлари полиморфик локуслари ассоциациясининг ўзига хос хусусиятларини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яра касаллиги патогенезида *H.pylori*нинг вирулентлик омиллари генларининг (*cagA*, *iceA1*, *iceA2* генлари ва *vacA* генининг *m1*, *s2* аллеллари) ва цитокин генлари IL6- C174G (rs1800795), IL10-1082G/A (rs1800896) ва G634C-VEGFA (rs2010963) генининг ноқулай генотипик вариантларини орасидаги исботланган синтропик ўзаро таъсир–тадқиқотчи амалий гастроэнтерологлар учун ушбу патологияларнинг патогенези, башоратлашни чуқур билиш, ушбу нозологиялар бўйича тиббий ёрдамни тўғри ташкил этиш ва касалликнинг ривожланиши, асоратланишини олдини олишда таклиф қилган ташхислашнинг янги алгоритми фундаментал фанлар, балки амалий тиббиётни ҳам бойитганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотимиз натижаларининг амалий аҳамияти сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яра касалликларни эрта башоратлаш орқали касалликларни ривожланиши ва асоратланишини олдини олишда молекуляр-генетик тадқиқотларни амалга ошириш натижасида хасталик асоратларни олдини олишга асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ошқозон яллиғланиши ва яраси патогенезида *H. pylori* генотиплари ва цитокинлар генлари полиморф локуслари ассоциациясининг ўзига хос хусусиятларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги ривожланишида маълум патогенетик аҳамиятли айрим соматик касалликларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиши учун характерли ёш градациясининг ўрни асосланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 24 ноябрда 8-п-р/1363-сон билан тасдиқланган «Способ раннего прогнозирования развития тяжелых форм воспалительно-язвенных заболеваний желудка» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-

амалий тиббиёт маркази бўйича 20.06.2023 йилдаги 42-сон ҳамда Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 20.06.2023 йилдаги 112-И-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/38-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги билан хасталанган беморларни клиник ва инструментал текширув пайтида аниқланган кўрсаткичлар ва ўрганилаётган намуналарда аниқланган *H. Pylori* даражалари амалиётчи гастроэнтерологларга ушбу патологияларнинг этиологияси, патогенези ва башоратлашни тартиби тавсия қилишга хос бўлган қиёсий тавсифи очиб берилиши орқали ошқозондаги функционал тузилмалар бузилишини эрта ташҳислаш ҳамда яра ривожланишга сабаб бўлувчи тасҳишлаш ва даволаш чора-тадбирлари учун фундаментал асос сифатида хизмат қилиш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда ташҳислаш тартибини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 114400059 сўм бюджет маблағлари сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги билан хасталанган беморларни клиник ва инструментал текширув пайтида аниқланган кўрсаткичлар ва ўрганилаётган намуналарда аниқланган *H. pylori* даражаси башоратлашни тартиби тавсия қилиш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги қайд қилинган беморларда *H. Pylori* учраш даражаси мусбат натижасининг кузатилиши, *H. pylori* штамmlарини вирулентлик ген (*cagA*, *iceA1*, *iceA2* ва *vacA* генининг *m1*, *s2* аллелли) омиллари бўйича генотипик вариантларининг тақсимланиши исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 24 ноябрда 8-п-р/1363-сон билан тасдиқланган «Способ раннего прогнозирования развития тяжелых форм воспалительно-язвенных заболеваний желудка» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 20.06.2023 йилдаги 42-сон ҳамда Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 20.06.2023 йилдаги 112-И-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/38-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги ташҳисланган беморларда *H. Pylori* штамmlарини вирулентлик омиллари генлари (*cagA*, *iceA1*, *iceA2* ва *vacA* генининг *m1*, *s2* аллеллари) бўйича генотиплаш натижасида ва текширилаётган беморлар намуналарида генотипик вариантларнинг тарқалишини таҳлил қилиш жараёнида аниқланган кўрсаткичлар молекуляр-генетик ташҳислаш усулларини амалиётга кенг жорий этиш натижасида юзага келадиган асоратларнинг олдини олишга шароит яратилганлиги ва хасталикни самарали даволаш тизимини

шакллантириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни олдини олишга асос бўлган. *Иқтисодий самарадорлиги*: мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 114400059 сўм бюджет маблағлари сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги ташҳисланган беморларда *H. pylori* штаммларини вирулентлик омиллари генлари (*cagA*, *iceA1*, *iceA2* ва *vacA* генининг *m1*, *s2* аллеллари) бўйича генотиплаш натижасида ва текширилаётган беморлар намуналарида генотипик вариантларнинг тарқалишини таҳлил қилиш жараёнида аниқланган кўрсаткичлар молекуляр-генетик ташҳислаш усуллари амалиётга жорий этиш ва хасталикни қайталаниши ва асоратларни олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги қайд қилинган беморлар гуруҳида IL6 C174G, IL10 1082A/G ва VEGFA G634C цитокин генлари полиморфизми аллеллари ва генотипларини учраш даражасининг *H.Pylori* билан ассоцирланган сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллигининг ривожланиши, клиник кечишидаги аҳамияти исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 24 ноябрда 8-п-р/1363-сон билан тасдиқланган «Способ раннего прогнозирования развития тяжелых форм воспалительно-язвенных заболеваний желудка» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 20.06.2023 йилдаги 42-сон ҳамда Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 20.06.2023 йилдаги 112-I-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/38-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: беморларда ва шунингдек назорат гуруҳида аниқланган, полиморфизмга эга, IL6- C174G, IL-10 1082G/A ва ангиогенез регулятори C634G-VEGFA цитокинларнинг генлари аллеллари ва генотипларининг даражалари ҳамда текширилаётган гуруҳларда ушбу частоталарнинг тақсимланиши ва уларнинг *H. pylori* билан боғлиқ, сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касалликларнинг шаклланиши ва клиник кечишидаги ўрни баҳолаш орқали яра натижасидаги қон кетиши ҳамда организмда кечадиган функционал ўзгаришларни олдини олишга асос бўлишнинг патофизиологик механизмини яратиш ва даволаш тактикасини танлаш имконини беришга асосланган. *Иқтисодий самарадорлиги*: мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 114400059 сўм бюджет маблағлари беморларда ташҳисланган IL6- C174G, IL-10 1082G/A ва ангиогенез регулятори C634G-VEGFA цитокинларнинг генлари аллеллари ва генотипларининг даражалари аниқлаш натижасида сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллигини стационар шароитда етти кун давомида йилига тўрт марта даволашга сарфланадиган

ва хасталикни қайталаниши ва асоратларни олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллигида *H.Pylori* вирулентлик омили генларини ва цитокин генлари IL6 C174G, IL10 1082A/G ва VEGFA G634C салбий генотипик вариантларини таҳлилида сурункали гастрит ва ошқозон яра касаллиги патогенезидаги синтропик аҳамияти исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 24 ноябрда 8-п-р/1363-сон билан тасдиқланган «Способ раннего прогнозирования развития тяжелых форм воспалительно-язвенных заболеваний желудка» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 20.06.2023 йилдаги 42-сон ҳамда Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 20.06.2023 йилдаги 112-I-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/38-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* *H. pylori* нинг вирулентлик омиллари генларининг (*cagA*, *iceA1*, *iceA2* генлари ва *vacA* генининг *m1*, *s2* аллеллари) ва цитокин генлари IL6- C174G (rs1800795), IL10-1082G/A (rs1800896) ва G634C-VEGFA (rs2010963) генининг ноқулай генотипик вариантларини орасидаги тасдиқланган синтропик ўзаро таъсир-тадқиқотчилар учун, амалий гастроэнтерологлар учун ушбу патологияларнинг патогенезини башоратлашни чуқур билиш орқали ушбу нозологиялар бўйича тиббий ёрдамни тўғри ташкил этиш ва касалликнинг ривожланиш хавфи ва асоратланишини олдини олишда муҳим аҳамиятга эгаллиги кўрсатиб ўтилган. *H. pylori* билан боғлиқ сурункали ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллиги ривожланиши, кечиши ва асоратланишини башоратлаш алгоритми беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни тўғри ташкил этиш ва касалликларнинг ривожланиши, асоратланишини олдини олишга асос бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 114400059 сўм бюджет маблағлари ноатрофик гастрит, сурункали эрозив гастрит ва ошқозон яраси касаллигида *H.Pylori* вирулентлик омили генларини ва цитокин генлари IL6 C174G, IL10 1082A/G ва VEGFA G634C салбий генотипик вариантларини таҳлилида сурункали гастрит ва ошқозон яра касаллиги патогенезидаги синтропик аҳамияти исботлаш ва хасталикни қайталаниши ва асоратларни олдини олиш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг

диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ошқозон яллиғланиши ва яраси патогенезида *Helicobacter pylori* генотиплари ва цитокин генлари полиморфик локуслари ассоциациясининг патофизиологик ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг 130 дан ортиқ, охирга 10 йилликдаги илмий тадқиқотлари натижалари кўриб чиқилиб, сўнгра, диссертация мавзуси бўйича, илмий изланишга бўлган талабнинг мантиқий асослари келтирилган. Хусусан, СНГ, СЭГ ва ОЯК бўйича тадқиқотлар натижалари тақдим этилган, мавзу бўйича олдинги генетик тадқиқотлар натижалари келтирилган. *IL6 174C/G* (rs1800795), *IL10-1082G/A* (rs1800896) ва *VEGFA G634C* (rs2010963) цитокин генларининг сурункали ноатрофик гастрит, эрозив гастрит ва ОЯК патогенезидаги, ҳозиргача аниқланган хоссаларига урғу берилган. Патогенезда муҳим роль ўйнайдиган, *H. pylori* нинг *cagA*, *iceA1*, *iceA2* генлари ва *vacA* генининг m1, s2 генотипик вариантлари билан, «пациент-хўжайинлар»нинг *IL6 174C/G* (rs1800795), *IL10-1082G/A* (rs1800896) ва *VEGFA G634C* (rs2010963) полиморф генларининг СНГ, СЭГ ва ОЯК лардаги ўзаро (ассоциациатив) роли ўрганилмаганлиги кўрсатилган.

Диссертацияда тиббиётнинг: гастроэнтерология, молекуляр-генетика каби турли соҳаларида, СНГ, СЭГ ва ОЯК ривожланиш механизмларини фаол, чуқур интеграциялашган ҳолда ўрганиш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Диссертациянинг «**Ошқозон яллиғланиши ва яраси патогенезида *Helicobacter pylori* генотиплари ва цитокин генлари полиморфик локуслари ассоциациясининг ўзига хос хусусиятларини баҳолашнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида, клиник материалга умумий тавсиф берилган ва ушбу иш жараёнида қўлланилган

лаборатор, инструментал ва молекуляр генетик усуллар ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган.

Тадқиқот ТТА 2-сонли ички касалликлар кафедраси ва Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИГИАТМ) нинг “Тиббий генетика” бўлими лабораториясида ўтказилгалиги таъкидланган. Беморларни тадқиқотга танлаш ТТА кўп тармоқли клиникаси гастроэнтерология бўлимида амалга оширилган.

СНГ, СЭГ ва ОЯК лар диагнозлари, ЭФГДС дан фойдаланган ҳолда, сурункали гастритнинг Киото (2014 йил феврал, Киото, Япония) асосида ишлаб чиқилган таснифга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги стандарти (баённомаси) томонидан қабул қилинган мезонлар билан тасдиғини топган.

Асосий гуруҳ (СНГ, СЭГ, ОЯК) беморларимизда, *H. pylori* мавжудлиги частотасини аниқланди ва штаммларнинг вирулентлик омилларини (*cagA*; *iceA1*, *iceA2* ва *vacA* нинг *m1*, *s2* аллеллари) генотипладик. Пациент *IL6* - *C174G* (rs1800795), *IL10* -1082G/A (rs1800896) ва *VEGFA* -G634C (rs2010963) полиморф генларнинг учрашини маркер таҳлил қилдик. Бунда қуйидаги статистик усуллардан фойдаланилди.

Таҳлилнинг статистик (математик) усуллари


Статистик таҳлил усуллари беморлар ва назорат гуруҳларида, аллеллар ва генотипларнинг учраш частоталарини таққослашда Пирсоннинг χ^2 мезонидан фойдаланилган. 2x2 тасодифий жадваллар учун χ^2 тести Йетсининг узлуксизликни таъминловчи “тузатиши” қўлланилди. Агарда 2x2 жадвалнинг камида битта катакчасидаги частота 5 дан кам ёки унга тенг бўлса, Фишернинг аниқ тести ишлатилди. Кўрсаткичлардаги фарқлар $p < 0.05$ бўлганида статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланди.

Бугунги кунда, ўрганилаётган, ҳар қандай ДНК полиморф генотипик тарқалишининг Харди-Вайнберг бўйича, қонунийлик тақсимотидан четлаганлигини/ мослигини, Интернетда мавжуд бўлган, “GenePop” (“Genetics of Population”) генетик маълумотларини таҳлил қилиш учун яратилган онлайн Интернет дастурлари: <https://gene-calc.pl/hardy-weinberg-page> <https://wpcalc.com/en/equilibrium-hardy-weinberg/> <https://medstatistic.ru/calculators.html> ёрдамида ҳам баҳоланди. Зарурий статистик маълумотларни қайта ишлаш, «OpenEpi 2009, Version 9.3» статистик дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда, популяцион генетик тадқиқотларида қўлланиладиган, стандарт ёндошувлар ёрдамида, статист Р.Х. Қодиров (Тошкент давлат стоматология институтидан) иштироки ва кўмагида амалга оширилди.

Учинчи бобнинг 1-бандида «Кузатувдаги беморларнинг клиник–эндоскопик характеристикаси» таҳлили келтирилган.


2021-2022 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг гастроэнтерология бўлимида ётган ошқозоннинг яллиғланиш ва ярали шикастланиши билан касалланган 96 нафар беморнинг анамнези ва шикоятлар йиғилди. Улардан 96 нафар бемор молекуляр генетик текширувдан ўтказилди.

Клиник-эндоскопик маълумотида кўра беморлар 3 та кичик гуруҳга ажратилди: 1–кичик гуруҳ – 18 та (18,8 %) СНГ беморлар, 2–кичик гуруҳ – 23 та (24 %) СЭГ, 3–кичик гуруҳ – 55 та (57,3 %) ОЯК билан беморлар ташкил қилди (1-расм).



1-расм. ЭГФДС маълумотларига кўра беморларнинг 3 гуруҳга тақсимланганлиги

Клиник текширув натижалари асосида ошқозоннинг яллиғланиш ва ярали жараёнларининг характерли кўйдаги клиник белгилари аниқланди (2-расм).



2-расм. Ошқозон яллиғланишли ва ярали касалликларининг характерли клиник белгилари (n=96)

Ошқозон яллиғли-ярали зарарланишига хос бўлган клиник белгилар: эпигастрал соҳада оғриқ СНГ да 28%, СЭГ да 78,3%, ОЯК да 51%; жиғилдон қайнаши СНГ-44% ,СЭГда 52%, ОЯКда 45%, кўнгил айнаши ва қайт қилиш энг кўп СНГ (мос равишда 89% 22.2) беморларда учради (2-расм).

3-бобнинг 2-бандида, асосий (СНГ, СЭГ, ОЯК) беморлар гуруҳи ва назорат гуруҳларида IL6 гени C174G (rs1800795), IL10 гени 1082G/A (rs1800896) ва VEGFA гени G634C (rs2010963) полиморфизмлари учраш частоталари келтирилган. *H. pylori* позитив сурункали гастрит ва ошқозон

ярасини, ушбу цитокинларнинг полиморфизми турларига нисбатан, касалликларнинг клиник кечиши таҳлил қилинди.

Асосий гуруҳ беморлари ва назорат гуруҳларида IL6 гени (C174G) полиморфизмида аллеллар ва генотипларнинг учраш частоталаридаги фарқлар қуйидагича (2-жадвал).

СНГ гуруҳи (n = 18) беморлар, назорат гуруҳи ва асосий беморлар гуруҳи билан солиштирганда, асосий "С" аллелининг частотаси 94,4% (n = 34) ошди ва минор G аллели частотаси табиий равишда 5,6% га камайди (n = 2). Бу хусусият СНГнинг ошқозон яраси патологиясига ўтишига қарши ҳимоя таъсирини кўрсатиши мумкин.

СЭГ гуруҳ (n = 23) беморларда, назорат ва асосий гуруҳига нисбатан, асосий аллел "С" частотасининг 84,8% (n=39) гача ошиши ва кичик аллел "G" частотасининг 15,2% гача камайиши (n=7) кузатилган.

СЭГ беморлар гуруҳида (n = 23) асосий аллелнинг ошиши ошқозон шиллик қаватининг ярали жараёнларига ўтишига нисбатан уларнинг ҳимоя таъсирини кўрсатади. Булардан келиб чиқиб "С" аллел учраш частотаси ошса ошқозон шиллик қаватини ярага ўтишидан ҳимоялайди, "G" аллелнинг ошиши аксинча ошқозон шиллик қавати ҳимояланишини сусайтиради.

1-жадвал.

Асосий гуруҳ беморлари ва назорат гуруҳларида IL6 гени (C174G) полиморфизмида аллеллар ва генотипларнинг учраш частоталари

№	Гуруҳ	Аллел частотаси				Генотиплар частотаси					
		С		G		C/C		C/G		G/G	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий беморлар гуруҳи, n=96	155	80,7	37	19,3	64	66,7	27	28,1	5	5,2
2	СНГ, n=18	34	94,4	2	5,6	16	88,9	2	11,1	0	0,0
3	СЭГ, n=23	39	84,8	7	15,2	17	73,9	5	21,7	1	4,4
4	ОЯК n=55	82	74,6	28	25,4	31	56,3	20	36,4	4	7,3
5	Назорат гуруҳи, n=88	145	82,4	31	17,6	61	69,3	23	26,1	4	4,6

ОЯК беморлар(n=55) гуруҳи билан назорат гуруҳи, асосий беморлар гуруҳлари солиштирганда, асосий аллел "С" частотасининг сезиларли даражада камайганлиги 74,6% (n=82) ва кичик аллел "G" улушининг 25,4% (n=28) га ортиши аниқланганлиги, асосий C/C генотипининг частотаси 56,3% гача (n=31) камайганлиги, гетерозиготли C/G ни ташиш ҳоллари эса 36,4% гача (n=20) сезиларли даражада ошиши ва кичик G/G генотиплари 7,3% гача (n=4) ошиши ошқозон яраси шаклланишига қарши ҳимоя фаоллигининг пасайиши, ошқозон яра касаллиги ривожланишига олиб келади.

Ошқозон яраси билан оғриган беморларда мажор аллел "С" ва генотип C/C частоталарининг пасайиши уларнинг ошқозон яраси шаклланишига қарши ҳимоя фаоллигининг пасайишини кўрсатиши мумкин, бу шунингдек, кичик аллел "G" ва генотиплар C/G ва G/G, ошқозон яра касаллиги ривожланишига, яъни касалликнинг бошланишига маълум ҳисса қўшган.

Бу аллел ва генотиплар учраш частоталаридаги фарқлар ошқозон яллиғланиши ва ярали касалликларини аниқлашда диагностик ва прогностик маркер сифатида қўлланилиши мумкин.

Ушбу аниқланган фарқларнинг клиник ва прогностик аҳамиятини, ошқозон яллиғланишли касалликлари патогенезидаги ролини баҳолаш учун, янада чуқурроқ, гуруҳлараро – статистик таққослаш таҳлилини ўтказилди. (2-жадвал).

2-жадвалдан кўриниб турибдики, СНГ беморлар гуруҳи ва назорат гуруҳи солиштирилганда, аллеллар ва генотипларнинг учраш частоталари назорат гуруҳига нисбатан минор аллел "G"ни ташиш улуши 3,6 баравар камайиш тенденцияси ва асосий генотип C/C частотасининг 3.5 баравар ошиши тенденцияси кузатилган. Шу билан бирга, минор C/G гетерозигота частотасининг пасайиши статистик таҳлилда аниқланди.

СЭГ гуруҳи ва назорат гуруҳи ўртасидаги статистик тадқиқот натижалари полиморф ИЛ6 генини аллеллари ва генотиплари ташиш частоталарида фарқлар сурункали эрозив гастрит шаклланишининг патогенетик механизмларида маркер сифатида фойдаланишга имкон беради.

2-жадвал.

Асосий беморлар ва назорат гуруҳида ИЛ6 гени (C174G) полиморфизмида аллеллар ва генотипларини ташиш ва учраш частоталаридаги фарқлар

Гуруҳлар	Аллеллар ва генотиплар	Назорат гуруҳи билан қиёсий статистик фарқлар					
		RR	95% CI:	OR	95% CI:	χ^2	Р (ишончлик)
Асосий гуруҳ (n=96)	C	1.0	0.61 - 1.58	0.9	0.53 - 1.52	0.2	0.7
	G	1.0	0.58 - 1.78	1.1	0.66 - 1.89		
	C/C	1.0	0.54 - 1.7	0.9	0.48 - 1.65	0.1	0.8
	C/G	1.1	0.59 - 1.95	1.1	0.58 - 2.12	0.1	0.8
	G/G	1.1	0.35 - 3.72	1.2	0.3 - 4.44	0.0	0.9
СНГ (n=18)	C	1.1	0.08 - 17.03	0.3	0.07 - 1.11	3.3	0.1
	G	0.9	0.7 - 1.09	3.6	0.9 - 14.61		
	C/C	1.3	0.08 - 20.19	3.5	0.82 - 15.25	2.9	0.1
	C/G	0.4	0.03 - 6.61	0.4	0.08 - 1.57	1.9	0.2
СЭГ (n=23)	C	1.0	0.25 - 4.26	1.2	0.49 - 2.91	0.1	0.8
	G	1.0	0.7 - 1.35	0.8	0.34 - 2.05		
	C/C	1.1	0.21 - 5.5	1.3	0.45 - 3.53	0.2	0.7
	C/G	0.8	0.14 - 4.79	0.8	0.26 - 2.35	0.2	0.7
	G/G	1.0	0.03 - 32.06	1.0	0.1 - 8.97	0.0	0.975
ОЯК (n=55)	C	0.9	0.48 - 1.69	0.6	0.35 - 1.11	2.5	0.2
	G	1.1	0.66 - 1.84	1.6	0.9 - 2.84		
	C/C	0.8	0.37 - 1.81	0.6	0.28 - 1.15	2.5	0.2
	C/G	1.4	0.61 - 3.15	1.6	0.78 - 3.33	1.7	0.2
	G/G	1.6	0.39 - 6.64	1.6	0.4 - 6.79	0.5	0.5

СНГ ва ОЯК беморлар гуруҳи ўртасида аллеллар ва генотипларни ташишдаги фарқларни аниқлаш учун ўхшаш статистик таҳлил қилинганда, ИЛ6 C174G асосий аллел "C" ни ташиш улушининг статистик жиҳатдан сезиларли ошиши 5,8 ва генотип C/C 6,2 марта, кичик аллел "G" ва гетерозигот генотипи C/G ташилишининг статистик жиҳатдан ишончсиз

(11.1% га нисбатан 36.4%; $\chi^2=4.1$; $P=0.05$; $OR=0.2$; 95%CI: 0.05-0.95) бир мартадан камайиши, ИЛ6 С174G полиморфизмида мажор аллел "С" ва С/С генотипининг ташувчилари орасида СНГни ОЯКга ўтиш хавфи статистик жиҳатдан сезиларли даражада 5,8 ва 6,2 марта камайганлиги кузатилди ва бу СНГ беморлар гуруҳида ошқозон яраси касаллигининг ривожланишига олиб келадиган ошқозон шиллиқ қаватидаги патологик жараёнларнинг кучайиши билан боғлиқ ҳолда уларнинг ҳимоя таъсирини ҳам кўрсатади.

IL10 гени (G1082A) rs1800896 полиморфизмида асосий беморлар ва назорат гуруҳларида аллел ва генотиплар учраш частоталари қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

IL10 гени (G1082A) rs1800896 полиморфизмида асосий беморлар ва назорат гуруҳларида аллел ва генотиплар учраш частоталари

№	Гуруҳлар	Аллеллар частотаси				Генотиплар частотаси					
		G		A		G/G		G/A		A/A	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий беморлар гуруҳи, n=96	148	77.1	44	22.9	59	61.5	30	31.2	7	7.3
2	СНГ, n=18	29	80.6	7	19.4	12	66.7	5	27.8	1	5.5
3	СЭГ, n=23	35	76.1	11	23.9	14	60.9	7	30.4	2	8.7
4	ОЯК n=55	84	76.4	26	23.6	33	60.0	18	32.7	4	7.3
5	Назорат гуруҳи, n=88	137	77.8	39	22.2	51	57.9	35	39.8	2	2.3

Асосий беморлар ва назорат гуруҳларда IL10 гени (G1082A) полиморфизмида энг сезиларли тебранишлар минор (мутант) A/A генотип улушида (7,3% га нисбатан 2,3%) аниқланган ва бу ошқозоннинг яллиғланиш ва ярали касалликларида кузатилган. Ушбу таҳлилга кўра, минор A/A генотип ошқозоннинг яллиғланиш ва ярали касалликлари патогенезида иштирокини кўрсатади (3-жадвал).

IL10 (G1082A) гени полиморф локусларнинг тарқалишидаги фарқлар даражасини ўрганиш натижасида СНГ беморлар гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан кичик аллел "А" частотасининг статистик жиҳатдан бироз камайиши аниқланди. (19.4% нисбатан 22.2%; $\chi^2=0.1$; $P=0.8$; $OR=0.8$; 95%CI: 0.35-2.08). Шу билан бирга, беморлар орасида асосий генотип G/G улуши статистик жиҳатдан аҳамиятсиз тарзда 1,5 барабар (66.7% нисбатан 57.9%; $\chi^2=0.1$; $P=0.9$; $OR=1.5$; 95%CI: 0.5-4.2) юқорилиги кузатилди. IL10 (G1082A) гени полиморфик локуслари СНГ патогенезида иштирок этадиган мустақил генетик маркер бўлиб хизмат қила олмайди (3-жадвал).

ОЯК беморлар ва назорат гуруҳларида ўтказилган статистик таҳлил натижаларида "А" минор аллелини ташиш улуши (23,6% га нисбатан 22,2%; $\chi^2=0.1$; $P=0.8$; $OR=1.1$; 95% CI: 0.62-1.91), мажор гомозигот G/G генотиби (60.0% га нисбатан 57.9%; $\chi^2=0.1$; $P=0.9$; $OR=1.1$; 95%CI: 0.55 - 2.61). ва гетерозиготали G/A генотипида (32.7% га нисбатан 39.8%; $\chi^2=0.7$; $P=0.5$; $OR=0.7$; 95% CI: 0.36 - 1.49) статистик муҳим фарқлар йўқлиги кузатилди. Шу билан бирга, гомозиготли минор A/A генотипини ташиш улушида ((7.3% га нисбатан 2.3%; $\chi^2=2.1$; $P=0.2$; $OR=3.4$; 95%CI: 0.65 – 17.43). ОЯК беморлар

гуруҳида гомозиготли минор А/А генотипининг 3,4 баравар ошиши тенденция кузатилиб, бу ошқозон яраси ривожланиши механизмларида иштирок этишини кўрсатади (4 -жадвал).

4-жадвал.

IL10 (G1082A) полиморфизмида аллеллар ва генотипларнинг учраш частоталари статистик таҳлили

Гуруҳлар	Аллеллар ва генотиплар	Назорат гуруҳи билан қиёсий статистик фарқлар					
		RR	95% CI:	OR	95% CI:	χ^2	Р (ишончлик)
Асосий беморлар гуруҳи (n=96)	G	1.0	0.63 - 1.56	1.0	0.59 - 1.56	0.0	0.9
	A	1.0	0.61 - 1.68	1.0	0.64 - 1.7		
	G/G	1.1	0.6 - 1.86	1.2	0.64 - 2.09	0.2	0.7
	G/A	0.8	0.43 - 1.44	0.7	0.38 - 1.26	1.5	0.3
	A/A	3.2	1.53 - 6.73	3.4	0.74 - 15.38	2.5	0.2
СНГ (n=18)	G	1.0	0.23 - 4.57	1.2	0.48 - 2.9	0.1	0.8
	A	1.0	0.73 - 1.27	0.8	0.35 - 2.08		
	G/G	1.2	0.2 - 6.71	1.5	0.5 - 4.2	0.5	0.5
	G/A	0.7	0.11 - 4.53	0.6	0.19 - 1.76	0.9	0.4
	A/A	2.4	0.09 - 63.02	2.5	0.23 - 27.24	0.6	0.5
СЭГ (n=23)	G	1.0	0.3 - 3.17	0.9	0.42 - 1.95	0.1	0.8
	A	1.0	0.74 - 1.41	1.1	0.51 - 2.37		
	G/G	1.1	0.24 - 4.54	1.1	0.44 - 2.88	0.1	0.9
	G/A	0.8	0.16 - 3.68	0.7	0.25 - 1.77	0.7	0.5
	A/A	3.8	0.49 - 30.09	4.1	0.63 - 26.78	2.2	0.2
ОЯК (n=55)	G	1.0	0.5 - 1.92	0.9	0.52 - 1.62	0.1	0.8
	A	1.0	0.66 - 1.58	1.1	0.62 - 1.91		
	G/G	1.0	0.45 - 2.38	1.1	0.55 - 2.16	0.1	0.9
	G/A	0.8	0.34 - 1.99	0.7	0.36 - 1.49	0.7	0.4
	A/A	3.2	0.98 - 10.5	3.4	0.65 - 17.43	2.1	0.2

5-жадвалда асосий беморлар (СНГ, СЭГ ва ОЯК) ва назорат гуруҳларида VEGFA (G634C) гени полиморфизмида аллеллар ва генотипларнинг учраш частоталари кўрсатилган, бунда аллел ва генотипларнинг учраш частотасида бир оз фарқ кузатилди.

Хусусан, СНГ ва СЭГ гуруҳларда мажор аллел учраш частотаси ошиши ("G": мос равишда 86,1%, 77,8%, 84,8%, 77,8%) ва генотип (G/G: асосий гуруҳлар учун мос равишда 61,4% ва 77,8% га нисбатан 61,4% ва 73,9% га нисбатан) кузатилди. Минор аллел ("G": беморлар гуруҳлари учун мос равишда 22,2% ва 15,2% га нисбатан 13,9% га нисбатан 22,2% га нисбатан 22,2% га нисбатан 15,2% га нисбатан) ва генотиплар (G/C: 32,9% га нисбатан 16,7% ва 21,7% 32,9%; C/C: беморлар гуруҳлари мос равишда 5,6% ва 5,7% ва 4,4% 5,7% га нисбатан) камайганлиги аниқланди.

5-жадвал.

Асосий ва назорат гуруҳларида VEGFA (G634C) гени полиморфизмида аллеллар ва генотипларнинг учраш частоталари

№	Гуруҳлар	Аллеллар частотаси				Генотиплар частотаси					
		G		C		G/G		G/C		C/C	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий беморлар гуруҳи, n=96	151	78.6	41	21.4	61	63.5	29	30.2	6	6.3
2	СНГ, n=18	31	86.1	5	13.9	14	77.8	3	16.7	1	5.6
3	СЭГ, n=23	39	84.8	7	15.2	17	73.9	5	21.7	1	4.4
4	ОЯК n=55	81	73.6	29	26.4	30	54.5	21	38.2	4	7.3
5	Назорат гуруҳи, n=88	137	77.8	39	22.2	54	61.4	29	32.9	5	5.7

ОЯК беморлар гуруҳида, аксинча, асосий аллел (“G”: 73,6% га нисбатан 77,8%) ва генотип (“G/G”: 54,5% га нисбатан 61,4%) частотасининг пасайиши, минор аллел (“C”: 22,2% га нисбатан 26,4%) ва генотиплар (G/C: 38,2% 32,9% ва C/C: 7,3% 5,7% га нисбатан) учраш частотаси ошиши кузатилди.

6 –жадвал.

Асосий ва назорат гуруҳларида VEGFA гени (G634C) полиморфизмида аллеллар ва генотипларнинг учраш частоталари фарқлари статистик таҳлили

Беморлар гуруҳи	Аллеллар ва генотиплар	Назорат гуруҳи билан қийсий статистик фарқлар					
		RR	95% CI:	OR	95% CI:	χ^2	p (ишончлик)
Асосий гуруҳ (n=96)	G	1.0	0.63 - 1.62	1.0	0.64 - 1.72	0.0	0.9
	C	1.0	0.6 - 1.63	1.0	0.58 - 1.57		
	G/G	1.0	0.59 - 1.83	1.1	0.6 - 1.99		
	G/C	0.9	0.5 - 1.67	0.9	0.47 - 1.64		
	C/C	1.1	0.37 - 3.28	1.1	0.33 - 3.76		
СНГ (n=18)	G	1.1	0.2 - 6.26	1.8	0.65 - 4.79	1.2	0.3
	C	0.9	0.7 - 1.16	0.6	0.21 - 1.54		
	G/G	1.3	0.17 - 9.69	2.2	0.68 - 7.1		
	G/C	0.5	0.05 - 4.99	0.4	0.11 - 1.47		
	C/C	1.0	0.03 - 36.06	1.0	0.11 - 8.9		
СЭГ (n=23)	G	1.1	0.26 - 4.61	1.6	0.66 - 3.8	1.1	0.4
	C	0.9	0.69 - 1.22	0.6	0.26 - 1.51		
	G/G	1.2	0.23 - 6.32	1.8	0.65 - 4.93		
	G/C	0.7	0.11 - 3.89	0.6	0.19 - 1.66		
	C/C	0.8	0.02 - 27.48	0.8	0.08 - 6.75		
ОЯК (n=55)	G	0.9	0.5 - 1.79	0.8	0.46 - 1.38	0.7	0.5
	C	1.1	0.67 - 1.66	1.3	0.72 - 2.19		
	G/G	0.9	0.4 - 2.0	0.8	0.38 - 1.49		
	G/C	1.2	0.51 - 2.65	1.3	0.62 - 2.54		
	C/C	1.3	0.29 - 5.7	1.3	0.34 - 5.06		

VEGFA (G634C) полиморфизмининг аллеллари ва генотиплари учраш частоталарида фарқлар; ОЯК беморлар гуруҳга нисбатан СЭГ беморлар

гуруҳида мажор "G" аллел частотасини 2,0 баравар заиф ошиш тенденцияси (84,8% га нисбатан 73,6%; $\chi^2=2.3$; $P=0.2$; $OR=2.0$; 95%CI: 0.81-4.9) ва кичик аллел "C" частотасининг бир мартадан камроқ аҳамиятсиз пасайиши (15,2% га нисбатан 26,4%; $\chi^2=2.3$; $P=0.2$; $OR=0.5$; 95%CI: 0.2-1.23) аниқланди. ОЯК беморлар гуруҳга нисбатан СЭГ беморлар гуруҳида мажор генотип G/G учраш частотаси 2,4 баравар ошиш тенденцияси кузатилди (73,9% га нисбатан 54,5%; $\chi^2=2.5$; $P=0.2$; $OR=2.4$; 95%CI: 0.82-6.79) (6-жадвал).

Олинган натижалар VEGFA (G634C) генининг мажор "G" аллелли ва G/G генотиби СНГ ва СЭГ нинг ОЯКга ўтишида протектив таъсири мавжудлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, IL6 (C174G) ва VEGFA (G634C) полиморф генларининг мажор аллеллари ва генотиплари СНГ ва СЭГ нинг ОЯК га ўтишига қарши ҳимоя (протектив) таъсирига эга деган хулосага келинди. Шу билан бирга, IL10 (G1082A) полиморф генининг заифлашган минор A/A генотиби СЭГ ва ОЯК ривожланиш хавфини ошириши мумкин (6-жадвал).

